



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G ' I

2017 yil "22" 04

№ 144

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги
ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги қарори хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул
қилинсин.

2. Фан ва ўқув юртлари бош бошкармаси (Ў.С.Исмаилов), тиббиёт олий
таълим муассасалари ректорлари, илмий текшириш институтлари ва
ихтисослаштирилган марказлар директорларига: жаҳоннинг етакчи тиббий
илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш,
ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик
технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни жорий
қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, малака ошириш курсларига хорижий
ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни
фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда тиббиёт олий таълим
муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка
ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришни ташкил қилиш топширилсин.

3. Фан ва ўқув юртлари бош бошкармаси (Ў.С.Исмаилов), Тиббий
таълимни ривожлантириш маркази (М.Х.Алимова):

007039